



# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИДА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗГА ЭГА ШАХСЛАРНИ РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА АНИҚЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

## 2021 йил 1 октябргача



давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали давлат хизматлари кўрсатилишида тўловлар бўйича имтиёзга эга шахсларни **реал вақт режимида аниқлаш ва тўлов миқдорини автоматик тарзда белгилаш** тизими жорий этилади

Давлат хизматлари агентлиги ҳузуридаги Ахборот хизматларини ривожлантириш маркази негизида **Давлат хизматларини ривожлантириш илмий-амалий маркази** ташкил этилди



## 2022 йил 1 январгача



“Автомобиль тарихи” маълумотларини (давлат рўйхатидан ўтказилган санаси, юрган масофаси, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузилганлиги, йўл транспорт ҳодисаси содир этилганлиги ва бошқалар ҳақида) автоматотранспортларга берилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси орқали шартномавий асосда **давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП орқали аниқлаш** давлат хизмати йўлга қўйилади

## 2021 йил 1 декабргача



**коммунал тармоқлардаги барча рақамлар** (газ, электр, иссиқ сув, ичимлик суви, канализация, чиқинди) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамига ва юридик шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақамига боғланиши таъминланади



ҳар бир шахсга **“ягона миждоз”** тамойили асосида уникал рақамдан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатилади